





Хон Султон — Ануштегинийлар сулоласидан бўлган хорезмлик шахзода, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг кизи ва Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг опачаси эди.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг катта кизларидан бири бўлган Хон Султоннинг онаси ким экани аниқ эмас. Унинг онаси Туркон-хотун оркали кипчак хонларининг авлодидан бўлган.

1210 йилда у Корахонийлар сулоласидан бўлган Корахонийлар давлати ҳукмдори Усмонга турмушга чиқади. Усмон Хоразмшоҳ саройида гаровда қолган. 1212 йилда Самарқанд аҳолиси Хоразмга қарши кўтарилиб, у яшаган шаҳарда ҳукмронлик қилган Хоразмга қарши исён кўтарганида, Хон Султоннинг ҳаёти хавф остида қолади. У қалъага яшириниб, эрига шундай деб ёзган: «Мен аёлман, ва мен қаби кишини ўлдириш

шармли ишдир. Мен томондан сенга карши бирор нарса бўлмаган. Энг маъкули мени [тирик колдириш] эди». Исён Хоразмшоҳ Мухаммад томонидан шафкатсизларча бостирилди, Корахонийлар давлати Хоразмшоҳлар давлатига кўшиб олинди ва Усмон ҳамда унинг кариндошлари Хоразмшоҳ буйругига кўра ўлдирилди.

1219 йилда Чингизхон бошчилигида Мўғуллар Хоразмга хужум килади. Шаҳарлар ёкилади, мамлакат аҳолиси ўлдирилади ёки асир қилинади. Буваси, ака-ука ва опа-сингиллари, отасининг ҳароми ва ҳазинаси билан у Урганчни тарк этади ва Илол қалъасига (Табаристон) кочади. Аммо, 4 ойдан сўнг қалъа мўғуллар томонидан қўлга олинади ва унинг ўғиллари ва хизматчилари ўлдирилади, онаси, кизнинг опа-сингиллари ва Хоразмшоҳ Мухаммаднинг аёллари Чингизхон қўшинига жўнатилиб, улар Чингизхоннинг ўғиллари ва яқинлари ўртасида тақсим қилинади. Унинг кейинги тақдири ва ўлим санаси номаълум; у Чингизхоннинг катта ўғли Жўчига турмушга берилган. Айрим манбаларга кўра, у Берке хон, Беркичор ва Бурунинг (Мухаммад) онаси бўлганлиги айтилади.

Олтин ўрданинг хони Хон Берке, Хон Султоннинг ўғли, Чингизхон сулоласида биринчи бўлиб Ислом динини қабул қилган. Айнан шу вақтда Ислом дини Олтин Ўрда бўйлаб таркала бошлаган эди. (Хон султоннинг тарбиясининг самараси, инша Аллох)

Хон Султон фарзандларига Ислом таълимоти ва кадриятларини ўргатган, мўғул ўғилларини тарбиялашда катта таъсир кўрсатган, гарчи у тўлиқ мўғулларнинг (асир) келинига айланган бўлса ҳам.

Абу Муслим